

ЮЛГУН СИЧҚОНИНИНГ БИОТОПЛАРДА ЖОЙЛАШУВИ ВА СОН ДИНАМИКАСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10837365>

Утенова Гульжахан Уразбаевна

Ассистент

«Зоология одам морфофизиологияси ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Ўзбекистон Республикаси Нукус шаҳри

Аннотация

Мақолада юлғун сичқонининг МДХ давлатларида Амударё бўйлаб Термизга, Сирдарёни ёқалаб Орол денгизигача ва Бухоро Самарқанд воҳаларининг, Ўрта Осиё тоғларида, Қозоғистонда 2200-2500 м гача тарқалганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Юлғун сичқони Қуйи Амударё агроландшафт экосистемаси чегарасининг барча жойларида тарқалган тур хисобланади. Юлғун сичқонининг табиий биотоплар бўйича мавсумий сон кўрсаткичлари 2014-2019 йилги кузда кўпайиш жараёнидан кейин сони анча ортиши кўрсатилган. Юлғун сичқонининг яввойи биотопларидаги кўп йиллик сон динамикасини таҳлил қилганда уларнинг оғир экологик кризис даврдаги сонини ундан кўп йиллар олдингиси билан солиштирганда анча ўзгаришга учрагани, яъни пасайиб кетганини кўриш мумкин.

Калит сўзлар

агроландшафт экосистемаси, ландшафт, атмосфера, биотоп, сон динамикаси, табиий ресурслар

Юлғун сичқони Мустақиллик Давлатлар ҳомдустлиги (МДХ) ҳудудида чўл, ярим чўл атрофида кенг тарқалган тур бўлиб, ареали Кавказ олди ва қуйи Поволжьядан Ўзбекистон, Тожикистон, Жануб ва шарқий Қозоғистонгача бўлган ораликни ўз ичига олади (Виноградов, Аргиропуло ва Гептнер, 1936, Минни, 1938, Бобринский, Кузнецов, Кузякин, 1965) [1, 2, 3]

Бу тур ареалининг шимолий чегараси Волга дарёси 500 шимолий кенглиги, Бет-Пак дала, Балхаш атрофи, Алакўл, Зайсан кенглигигача, жанубий ғарбда Каспийдан шарққа қараб, Устюрт текислиги (Манғишлак ярим оролида йўқ), Амударё бўйлаб Термизга, Сирдарёни ёқалаб Орол денгизигача ва Бухоро Самарқанд воҳаларининг, Ўрта Осиё тоғларида 1800 м баландликкача (Г. Асенов, 1969, Федянина, 1966, А.Тохтасинов) [4, 5, 6] Қозоғистонда 2200-2500 м гача тарқалганлиги ҳақида маълумотлар бор.

МДХ чегараларида тарқалган 5 кичик турдан Қорақалпоғистонда биттаси- *Meriones tamariscinus jahurtenus* Ogner ef Нептнер учрайди.

Юлғун сичқони Қуйи Амударё агроландшафт экосистемаси чегарасининг барча жойларида тарқалган тур (Г.Асенов, 1968, 1999, М.Карабеков, 1970). [8, 9]

Юлғун сичқонининг Қизилқумда, Устюрт текислигида кўплаб учраши, тарқалиши бўйича ҳам маълумотлар бор. (Ким, 1960, Дятлов ва Руденчик, 1950, Костин, 1956, 1962, Петров, 1951, Г.Асенов, 1968, 1999, Р.Реймов, 1985, 1987). [10, 11, 12, 13, 1, 14, 15]

Қизилқум ва Устюртда юлғун сичқони шўрланган чуқурликлар атрофи, чанг сарикқумлар, тўранғил, бута, ярим буталар ва ҳоказо майда ўтлар ўсган, намликни узоқ сақлай оладиган ўринларда кўпроқ учрайди ва айрим ўринларда 0,5-1,0-2,5% гача (100 қопқонга) учрайди.

Чўлистоннинг агроландшафт биотоплари билан чегарадош ҳудудларда кўп эканлиги ва тутилгани аниқ бўлди.

Типик агроландшафт экосистемаси юлғун сичқони учун энг қулай, ҳимояланиш ва озуқа моддаси етарлича яшаш ўрни ҳисобланади. Бундай ўринларга ҳар хил турдаги ўрмонлар, бута, ярим бута–тикан, оқбош, янтоқ, юлғунлар, донли ёввойи ўсимликлар билан қопланган илатлар–биотоплар киради ва ундай биотопларда кўпайиш жараёни юқори бўлиб, сони ҳам юқори бўлади.

Юлғун сичқони ўрмонзор ландшафтида унча калин, зич бўлмаган оралик ёввойи донли ўсимликлар билан қопланган жойларни, биотопларни ёқтиради ва кўп учрайди, кўпайиши ҳам юқори даражада ўтади. Бундай биотопларга ландшафт экосистемаси ҳудудида экин майдонига яқин жойлар: ўрмон этаклари, ёввойи аралаш донли ярим буталар, дала оралик экин айланишидан чиқиб ташландиққа айланган, канал, кўл бўйлари, мевали боғ далалари, ғалла экилган–буғдой, арпа, жўхори, макка, тарик, шоли далалари, полиз, бедазорлар, ғўза ва ҳоказолар киради ва ҳар хил сичқонлар учун энг қулай биотоплар ҳисобланади.

Юлғун сичқонининг бундай атмосфера ҳаво намлиги юқори, климати жиҳатдан чўлистонда яшашга мослашган кемирувчилар туридан фарқи унинг мезофиллигида деса тўғри бўлади ва бу эса чўл, ярим чўл, ярим чўл далаликларига мослашган туркумлардан фарқ қилиши кўриниб турибди.

Масалан, юлғун сичқон шимолӣ Каспий бўйи ўлат ўчоғида микробга чидамли тур эканлиги билан ҳам фарқ қилади.

Қорақалпоғистоннинг Қизилқум, Устюрт каби ҳудудлардан бу тур иккинчи даражали ҳисобланади. Унинг сабаби оз сонли эканлиги ва мезофиллиги ўлат кўздирувчисига сезувчанлиги ва қабул қилишнинг юқори бўлишидир.

Шунингдек, бу тур ёввойи ва маъданийлаштирилган бошоқли ва дуккакли ғўза экинлари дони билан озикланишга мослашган ҳам бўлиши мумкин. Бу масала янги илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

1-жадвал

Юлғун сичқонининг табиий биотошлар бўйича мавсумий сон кўрсаткичлари (2014-2019 йилги кузда 100 қопқонга тушгани % ҳисобига)

Биотошлар	100 қопқонга тушганлари % ҳисобида			
	Баҳорда (III-V)	Ёзда (VI-VII)	Кузда (IX-XI)	Қишда (XII-II)
Дарё бўйи ўрмонлари	4,0	3,7	5,8	4,2
Бута, ярим буталиклар-буғдой далаларига яқин ўринлар	3,1	3,4	6,1	3,1
Ўт босган бўш чўп босган бўш кўрик ерлар, ташландик жойлар	2,3	1,5	5,4	3,1
Канал, кўл бўйлари дала ораликлари	1,8	2,4	5,6	2,1
Агроландшафт билан чегарадош кум этаги	1,0	0,4	2,1	1,1

Юлғун сичқони агроландшафт экосистемасида жойлашган барча биотошларда кенг тарқалган ва баъзиларида уй сичқони билан тенг сон миқдорда учрайди. Кузда кўпайиш жараёнидан кейин сони анча ортади (1-жадвал).

Кейинги даврда кўрик ерларнинг, тўқайларнинг ўзлаштирилиши, экологик ҳолатнинг ёмонлашуви ва бошоқли, дуккакли экин майдонларининг кескин кўпайиши натижасида бу тур уй сичқони каби буғдой, арпа, маккажўхори, жўхори, тарик, шоли далаларида экинларнинг дони хамирга айланишидан бошлаб ўриб, йигиб олингандан кейин ҳам қолган (тўқилиб қолган) донлар билан озикланиб, ўзи учун қулай яшаш шароити бўлган донли экинлар майдонларда пайдо бўлмоқда.

Юлғун сичқонининг яввойи биотопларидаги кўп йиллик сон динамикасини таҳлил қилганда уларнинг оғир экологик кризис даврдаги сонини ундан кўп йиллар олдингиси билан солиштирганда анча ўзгаришга учрагани, яъни пасайиб кетганини кўриш мумкин.

2-жадвалдан кўриниб турганидек экологик кризисдан олдинги, 1949-1964 йилларда юлғун сичқонининг сон динамикасида юқори кўрсаткич кўзга ташланади, яъни бу йиллардаги кузги сон кўрсаткичида энг паст сон 2,6%, юқориси 9,5% бўлганлиги, кейинги даврларда эса (1970-1986 йиллари) уларнинг табиат биотопларда кескин камайиб кетганлиги аниқ кўриниб турибди. Фақат 2014-2019 йилларда бошоқли ва дуккакли дон (буғдой, арпа, жўхори, шоли, тарик) ва бошқа тур ғўза экинларининг майдони кенгайиб, ҳосилдорликнинг ортиши билан ва бу экинларга яқин жойлашган биотопларнинг шу донлар ҳисобидан намланиб бошқа биотопларга қараганда яшаш шароити яхшиланиши натижасида юлғун сичқони ва бошқа турлар учун ҳам шароит яратилиб сон миқдорининг кўтарилишига имкон яратилганлиги маълум бўлмоқда.

2-жадвал

Қуйи Амударё агроландшафт табиий биотопларида юлғун сичқонининг кўп йиллик сон динамикаси (100 ёғоч қопқонда ушлагани % ҳисобида)

Йиллар	% келиб тушиши		Йиллар	% келиб тушиши	
	Баҳор	Куз		Баҳор	Куз
1965	1,5	4,8	1999	1,1	1,3
1966	3,0	2,2	2000	0,6	1,1
1967	3,0	3,6	2014	2,1	2,7
1968	0,9	1,1	2015	2,0	3,1
1969	1,6	1,7	2016	3,0	4,6
1970	-	2,1	2017	3,1	4,7
1971	-	0,7	2018	2,6	4,3
1972	1,5	1,1	2019	3,2	3,8
1974	1,9	1,7			
1975	0,3	0,7	1949	-	5,7
1976	2,0	0,5	1950	-	5,0
1977	1,6	1,1	1951	-	3,0
1978	1,5	1,8	1952	-	4,8
1978	0,7	0,6	1953	-	2,7
1980	0,1	0,3	1954	-	3,9
1981	0,3	0,6	1955	-	4,1

1982	0,3	0,5	1956	-	2,6
1983	-	1,4	1957	-	3,0
1986	1,7	2,2	1958	-	2,8
1988	1,4	8,0	1959	-	3,5
1989	2,0	2,9	1962	-	3,2
1990	0,8	0,7	1963	-	4,1
1991	0,7	0,8	1964	-	9,5
1992	0,4	0,6			
1993	0,9	6,1			
1994	0,4	0,5			
1996	0,3	0,4			
1997	0,7	0,9			

Кейинги даврда сунъий биотопларнинг агроландшафт экосистемаси худуди ҳам кенгайиб борди, унда тарқалган ўсимлик ва ҳайвон турларининг яшаши, ривожланиши ва зарарли турларининг кўпайиши, сонининг ва зарарининг ортиши учун ҳам сунъий ҳолат яратилиши сир эмас.

Шу сабабли ҳар бир ҳайвон ва ўсимлик экологиясини тадқиқ қилишда, ўрганишда ва уларнинг ҳолатига баҳо беришда, сон динамикасидаги ўзгаришларни таҳлил қилганда антропогенетик омилларнинг ролига сифат нуқтаи назаридан қараш талаб этилади.

Кейинги вақтда қишлоқ хўжалигининг ҳар томонлама, кенг ривожланиши ва келажакда манзилли турда янги усуллар, тажрибаларга асосланиб олиб борилиши янги классификатор методларининг амалиётга сингдирилиши антропоген омилларнинг ижобий томонлари ҳисобланади.

Халқ хўжалигининг тез ривожланиши янги технологияларни қўллашга асосланган бўлса, агроландшафт экосистемаси худуднинг табиий ресурсларини ҳисобга олган ҳолда уни замонавий иқтисодий зоналарга ажратиш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, ҳосилдорлигини оширишга ва шу худудларда тарқалган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, яъни биологик хилма-хилликни сақлаб қолишга ва ҳимоя қилишга қаратилган катта эътибор бунинг ёрқин далилидир.

ФОЙЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Виноградов В.С, Аргиропуло А.И, Гептнер В.Г. //Грызуны средней азии" Москва. Ленинград. 1936., 224 с.

2. Минин. Н.В. Эколого-географический очерк грызунов Средней Азии. //Изд. ЛГУ. -Ленинград, 1938. -185 с.
3. Бобринский Н.А., Кузнецов Б.А., Кузякин А.П. //Определитель млекопитающих СССР.// Просвещение 1965. 382 с.
4. Асенов Г.А., Мокроусов Н.Я. Численность полуденной песчанки в Каракалпакских Кызылкумах. //Материалы VI научной конф. противочум. учреж. Сред. Азии и Казахстана. - Алма-Ата, 1969. Вып. 1. -С.196-199.
5. Федянина Л.В. //О некоторых закономерностях развития суперинвазии при гименолепидозе белых мышей печатный.// Мед. паразитол. 1966. Т.35, №6, с. 705
6. Тихомирова М.М., Загнибородова Е.Н. Фауна блох Западного Узбоя. //Труды турк. противочум. станции. -Ашхабад. 1958. Т.1. -С.119-125.
8. Асенов Г.А. Экология грызунов оазиса низовьев Амударьи и их эпизоотологическое и эпидемиологическое значение. //Автореф. дисс. канд. биол. наук. -Фрунзе, 1968. -19 с
9. Карабеков М. //Экология домового мыши (*Mus musculus* L) в Низовьях Амударьи.// -Автореф.канд.дисс. Свердловск.1970.
10. Ким Т.А. Материалы по экологии тамарисковой песчанки (*Merionestamariscimispall*) пустыни Кызылкум. //Зоол. журнал, Т.XXXIX, Вып. 5. 1960.
11. Дятлов А.И.. Руденчик Ю.В. О распространении некоторых млекопитающих на территории Каракалпакских Кызылкумов и Устюрта // Труды Института зоологии. Том X. Издательство АН КазССР. Алма-Ата 1959. 253с.
12. Костин В.П. Грызуны низовьев Аму-Дарьи, Устюрта и прилегающей территории. //Ташкент. СамГУ, 1962. -89 с.
13. Костин В.П, //Материалы по фауне млекопитающих левобережья низовьев Аму-Дарьи и Устюрта и очерк распределения видов позвоночных животных // Тр. ин-та зоологии и паразитологии АН УзССР. 1956, Т. 8. С. 5-77 с.
14. Петров В.С., Шейкина М.В. К вопросу о динамике возрастного состава и размножения в популяции полуденных песчанок. //»Грызуны и борьба с ними», Саратов, 1950. -Вып. 3. -С.179-188.
15. Реймов Р.Р. //Грызуны Южного Приаралья (систематика, экология и хозяйственное значение). //Издательство ФАН, Узбекской ССР. -Ташкент. 1987. 123 с.

16. Реймов Р. Фауна млекопитающих Заунгузского Каракума и окрестностей Сарыкамьшского озера, ее численность и размещение // Вестник ККО АН РУз, 1985, №2, 30 с.